Через систему OPENINFO.UZ подтверждено с использованием ЭЦП. Код документа: mW9gl4ROgeYCdjJAkZ8e

Единый портал корпоративной информации

Существенные факты

"Apex Bank" AJ
06. Решения, принятые высшим органом управления эмитента, в том числе решения наблюдательного совета хозяйственных обществ о выпуске акций, корпоративных облигаций и иных ценных бумаг

1.	**НАИМЕНОВАНИЕ ЭМИТЕНТА**	
	Полное:	"Apex Bank" aksiyadorlik jamiyati
	Сокращенное:	"Apex Bank" AJ
	Наименование биржевого тикера:	Нет
2.	**КОНТАКТНЫЕ ДАННЫЕ**	
	Местонахождение:	100060, Toshkent shahri, Mirobod tumani, S.Azimov ko'chasi, 77-uy
	Почтовый адрес:	100060, Toshkent shahri, Mirobod tumani, S.Azimov ko'chasi, 77-uy
	Адрес электронной почты:	info@apexbank.uz
	Официальный веб-сайт:	www.apexbank.uz
3.	**ИНФОРМАЦИЯ О СУЩЕСТВЕННОМ ФАКТЕ**	
	Номер существенного факта:	6
	Наименование существенного факта:	Решения, принятые высшим органом управления эмитента, в том числе решения наблюдательного совета хозяйственных обществ о выпуске акций, корпоративных облигаций и иных ценных бумаг
	Вид собрания:	заседания наблюдательного совета

Дата проведения собрания:	13.10.2026
Дата составления протокола собрания:	14.10.2026
Место проведения собрания:	Тошкент ш., Миробод тумани, С.Азимов кўчаси, 77-уй
Кворум собрания:	80,00

№	Вопросы, поставленные на голосование	Итоги голосования					
		за		против		воздержались	
		%	количество	%	количество	%	количество
1	“APEX BANK” АЖ корпоратив облигацияларини чиқариш тўғрисида.	100,0	4	0	0	0	0
2	“APEX BANK” АЖ корпоратив облигацияларини чиқариш тўғрисидаги қарорни 1-сонли иловага мувофиқ тасдиқлаш тўғрисида.	100,0	4	0	0	0	0
3	“APEX BANK” АЖ корпоратив облигациялар эмиссия рисоласини 2-сонли иловага мувофиқ тасдиқлаш тўғрисида	100,0	4	0	0	0	0

№	Полные формулировки решений, принятых общим собранием

1	1. “APEX BANK” АЖ корпоратив облигацияларини чиқариш тўғрисида. 1.1. “APEX BANK” АЖ корпоратив облигациялари қуйидаги асосий шартларда чиқарилсин: Эмитент: “APEX BANK” акциядорлик жамияти Облигацияларнинг тури ва шакли: ҳужжатсиз шаклдаги фоизли, эгасининг номи ёзилган, акцияларга айирбошланмайдиган корпоратив облигациялар Айирбошланиши: облигациялар Банк акцияларига айирбошланмайди Чиқарилишнинг умумий ҳажми: 100 000 000 000 (юз миллиард) сўм Бир облигациянинг номинал қиймати: 10 000 000 (ўн миллион) сўм Облигациялар сони: 10 000 (ўн минг) дона Жойлаштириш усули: чекланмаган доирадаги инвесторлар ўртасида очиқ обуна Жойлаштириш нархи: Бир облигациянинг ҳисобланган, тўланмаган купон даромадисиз жойлаштириш нархи (соф нарх) Эмитент томонидан ҳар икки андеррайтер билан келишилган ҳолда, инвесторларнинг талабномалари ва бозор шароитларини ҳисобга олиб, “Тошкент” Республика фонд биржаси АЖ қоидаларига мувофиқ белгиланади. Бир облигациянинг соф нархи унинг номинал қиймати — 10 000 000 (ўн миллион) сўмдан кам бўлиши мумкин эмас. Облигациялар жойлаштиришнинг бошланиш санасида (D0) ҳам, кейинги саналарда ҳам номинал қийматидан юқори соф нархда жойлаштирилиши мумкин. Инвестор томонидан тўланадиган жами сумма соф нарх ва ҳисоб-китоб санасига ҳисобланган, тўланмаган купон даромади йиғиндисидан иборат. Ҳисобланган купон даромади N × 19% × k / 365 формуласи бўйича тийингача яхлитланади. Бунда N — бир облигациянинг 10 000 000 (ўн миллион) сўм номинал қиймати; k — жорий купон даври бошланган санадан ҳисоб-китоб санасигача бўлган ҳақиқий календарь кунлар сони, даврнинг бошланиш санаси ҳисобга олинади, ҳисоб-китоб санаси эса ҳисобга олинмайди. Ҳисоб-китоб D0 санасида амалга оширилганда ҳисобланган купон даромади нолга тенг. Биржа ҳисоб-китоблари тегишли купонни олиш ҳуқуқи ва реестр ёпилиш санасини ҳисобга олган ҳолда амалга оширилади. Соф нархнинг номинал қийматдан юқори белгиланиши облигациянинг номинал қийматини, қатъий белгиланган купон ставкасини, купон даромадини ҳисоблаш ва тўлаш тартибини ҳамда номинал қиймат бўйича сўндириш шартларини ўзгартирмайди. Жойлаштириш муддати: чиқарилиш давлат рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб 45 (қирқ беш) кун ичида Муомала муддати: жойлаштириш ва даромад ҳисоблаш бошланган санадан бошлаб 2 (икки) календарь йил, яъни 24 (йигирма тўрт) ой Фоиз ставкаси: белгиланган – номинал қийматнинг йиллик 19 (ўн тўққиз) фоизи Фоизли даромадни тўлаш даврийлиги: ҳар чоракда, жами 8 (саккиз) купон даври учун. Ҳисоб-китоб шакли: нақд пулсиз, Ўзбекистон Республикасининг миллий валютаси – сўмда Жойлаштириш майдончаси: “Тошкент” Республика фонд биржаси АЖ Таъминот: таъминотсиз; чиқарилиш Банкнинг ўз капитали миқдори доирасида амалга оширилади Маблағлардан фойдаланиш мақсади: Жойлаштиришдан тушган маблағлар юридик шахсларнинг, шу жумладан кичик ва ўрта бизнес субъектларининг кредит лойиҳаларини молиялаштиришга йўналтирилади. Шу билан бирга, мазкур маблағлар жисмоний шахсларга кредит ажратишга ёки банкларараро ғазначилик амалиётларига ҳам йўналтирилиши мумкин. Андеррайтерлар: “Portfolio Investments” МЧЖ ва “Bluestone Financial Group Inc” МЧЖ ҚК Облигацияларни ҳисобга олиш ва сақлаш: Қимматли қоғозлар марказий депозитарийси; эгаларнинг ҳуқуқларини ҳисобга олиш хизмат кўрсатувчи инвестиция воситачиси томонидан амалга оширилади Облигацияларнинг олдинги чиқарилишлари: Банк аввал облигациялар чиқармаган; мазкур чиқарилиш биринчи ҳисобланади Яшил облигациялар: чиқарилиш яшил корпоратив облигациялар чиқарилиши ҳисобланмайди Серияли облигациялар: чиқарилиш серияли облигациялар дастури доирасида амалга оширилмайди Бошқа шартлар: мазкур баённома билан тасдиқланадиган облигациялар чиқариш тўғрисидаги қарор ва эмиссия рисоласига мувофиқ 1.2. Облигацияларни жойлаштиришнинг қуйидаги шартлари ва тартиби тасдиқлансин: облигациялар чекланмаган доирадаги инвесторлар ўртасида очиқ обуна йўли билан жойлаштирилади; жойлаштириш муддати чиқарилиш давлат рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб 45 (қирқ беш) кунни ташкил этади; жойлаштириш бошланиш санаси D0 – чиқарилиш давлат рўйхатидан ўтказилганлиги ҳақидаги хабар ва эмиссия

2	2. “APEX BANK” АЖ корпоратив облигацияларини чиқариш тўғрисидаги қарорни 1-сонли иловага мувофиқ тасдиқлаш тўғрисида. 2.1. Мазкур баённоманинг 1-сонли иловасига мувофиқ “APEX BANK” АЖнинг умумий ҳажми 100 000 000 000 (юз миллиард) сўм бўлган ҳужжатсиз шаклдаги фоизли эгасининг номи ёзилган корпоратив облигацияларини чиқариш тўғрисидаги қарор тасдиқлансин. 2.2. 1-сонли илова мазкур баённоманинг ажралмас қисми эканлиги белгилансин. 2.3. Кузатув кенгаши раиси Зайнутдинов Нуриддин Сайфутдиновичга облигациялар чиқариш тўғрисидаги қарорнинг тасдиқлаш грифини ҳамда қонунчиликка мувофиқ Кузатув кенгаши раиси томонидан имзоланиши лозим бўлган бошқа ҳужжатларни имзолаш топширилсин. 2.4. Банк Бошқаруви раиси вазифасини вақтинча бажарувчи Нуманова Ольга Леонидовна ва бош бухгалтер Хан Ирина Руслановнага қонунчилик талаблари ва тасдиқланган шакл доирасида облигациялар чиқариш тўғрисидаги қарорни ҳамда у билан боғлиқ ҳужжатларни имзолаш ваколати берилсин. 2.5. Банк Бошқаруви раиси вазифасини вақтинча бажарувчи Нуманова Ольга Леонидовнага ҳужжатлар давлат рўйхатидан ўтказиш учун тақдим этилгунга қадар облигациялар чиқариш тўғрисидаги қарорга техник, таҳририй ва аниқлаштирувчи хусусиятдаги тузатишлар, шу жумладан хатолар, рақамлаш, реквизитлар, ҳаволалар ва атамаларни тузатиш, шунингдек рўйхатдан ўтказувчи органнинг эътирозларини бартараф этиш учун зарур бўлган ўзгартишларни киритиш ваколати берилсин, бунда бундай ўзгартишлар мазкур баённома кун тартибининг биринчи масаласи бўйича тасдиқланган чиқарилишнинг муҳим шартларига дахл қилмаслиги шарт. Муҳим шартларни ўзгартириш Кузатув кенгаши томонидан олдиндан кўриб чиқилиши ва тасдиқланиши лозим. 2.6. Банк Бошқаруви облигациялар чиқариш тўғрисидаги қарор, эмиссия рисоласи, аризалар, анкеталар, ошкор қилинадиган ахборот ва давлат органлари ҳамда қимматли қоғозлар бозори инфратузилмаси ташкилотларига тақдим этиладиган бошқа ҳужжатлардаги маълумотларнинг ўзаро бир хиллигини таъминласин.

3	3. “APEX BANK” АЖ корпоратив облигациялар эмиссия рисоласини 2-сонли иловага мувофиқ тасдиқлаш тўғрисида. 3.1. Мазкур баённоманинг 2-сонли иловасига мувофиқ “APEX BANK” АЖнинг умумий ҳажми 100 000 000 000 (юз миллиард) сўм бўлган ҳужжатсиз шаклдаги фоизли эгасининг номи ёзилган корпоратив облигациялар эмиссия рисоласи тасдиқлансин. 3.2. 2-сонли илова мазкур баённоманинг ажралмас қисми эканлиги белгилансин. 3.3. Кузатув кенгаши раиси Зайнутдинов Нуриддин Сайфутдиновичга эмиссия рисоласининг тасдиқлаш грифини ҳамда қонунчиликка мувофиқ Кузатув кенгаши раиси томонидан имзоланиши лозим бўлган бошқа ҳужжатларни имзолаш топширилсин. 3.4. Банк Бошқаруви раиси вазифасини вақтинча бажарувчи Нуманова Ольга Леонидовна ва бош бухгалтер Хан Ирина Руслановнага қонунчилик талаблари ва тасдиқланган шакл доирасида эмиссия рисоласи ҳамда у билан боғлиқ ҳужжатларни имзолаш ваколати берилсин. 3.5. Банк Бошқаруви раиси вазифасини вақтинча бажарувчи Нуманова Ольга Леонидовнага қонунчиликда белгиланган тартибда қуйидаги ваколатлар берилсин: эмиссия ҳужжатларини якуний солиштириб текшириш ва имзолашни ташкил этиш; чиқарилишни давлат рўйхатидан ўтказиш учун зарур бўлган аризалар, анкеталар, хатлар, тушунтиришлар, хабарномалар ва бошқа ҳужжатларни имзолаш ва тақдим этиш; чиқарилиш масалалари бўйича Ўзбекистон Республикаси Истиқболли лойиҳалар миллий агентлигида, Қимматли қоғозлар марказий депозитарийсида, “Тошкент” РФБ АЖда, қимматли қоғозлар бозорининг профессионал иштирокчилари ва бошқа ташкилотлар олдида Банк манфаатларини ифодалаш; тасдиқланган бюджетлар ва ваколатлар доирасида андеррайтерлар, Марказий депозитарий, фонд биржаси, инвестиция воситачилари ва қимматли қоғозлар бозори инфратузилмасининг бошқа ташкилотлари билан зарур шартномалар тузилиши ва бажарилишини таъминлаш; чиқарилишнинг давлат рўйхатидан ўтказилишини, идентификация рақами берилишини, облигацияларни жойлаштириш ва муомалага киритишга рухсат этилишини, шунингдек бошқа зарур рўйхатдан ўтказиш ва ташкилий ҳаракатлар амалга оширилишини таъминлаш; чиқарилиш ва эмитент тўғрисидаги ахборотнинг қонунчиликда белгиланган тартибда, ҳажмда ва муддатларда ошкор қилинишини таъминлаш; давлат рўйхатидан ўтказилгандан кейин облигацияларни жойлаштириш, улар бўйича мажбуриятлар ҳисобини юритиш, фоизли даромадни ҳисоблаш ва тўлаш, номинал қийматни сўндириш ҳамда белгиланган ҳисоботларни тақдим этишни таъминлаш. 3.6. Банк Бошқаруви раиси вазифасини вақтинча бажарувчи Нуманова Ольга Леонидовнага эмиссия рисоласига техник, таҳририй ва аниқлаштирувчи хусусиятдаги тузатишлар, шунингдек рўйхатдан ўтказувчи органнинг эътирозларини бартараф этиш учун зарур бўлган ўзгартишларни киритиш ваколати берилсин, бунда бундай ўзгартишлар мазкур баённома кун тартибининг биринчи масаласи бўйича тасдиқланган чиқарилишнинг муҳим шартларига дахл қилмаслиги шарт. Чиқарилишнинг муҳим шартларини ўзгартириш Кузатув кенгаши томонидан олдиндан кўриб чиқилиши ва тасдиқланиши лозим. 3.7. Давлат рўйхатидан ўтказиш учун тақдим этиладиган ва инвесторларга ошкор қилинадиган маълумотларнинг тўлиқлиги, ишончлилиги ва долзарблиги, шунингдек Банкнинг облигациялар бўйича мажбуриятларини ўз вақтида бажариши учун жавобгарлик Банк Бошқаруви зиммасига юклансин. 3.8. Мазкур қарорлар қабул қилинган пайтдан эътиборан кучга киради. Баённома имзоланган куни ижро учун Банк Бошқарувига топширилсин. 3.9. Мазкур масала бўйича қарорларнинг бажарилишини назорат қилиш Кузатув кенгаши раиси Зайнутдинов Нуриддин Сайфутдинович зиммасига юклансин.

Ф.И.О. руководителя исполнительного органа:	Нуманова Ольга Леонидовна
Ф.И.О. главного бухгалтера:	Хан Ирина Руслановна
Ф.И.О. уполномоченного лица, разместившего информацию на веб-сайте:	Абдужаббаров Сардор Садриддинович

Данная публикация на корпоративном веб-сайте эмитента

Источник: https://openinfo.uz/facts/6/14862
Дата загрузки с портала: 16.10.2026
Дата подписания: 11.11.2026

“APEX BANK”
AJ
Direktor

MADJITOV SHERZOD
TURAPOVICH